
СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ОГАҲИЙ ТАРЖИМАСИДАГИ АДАБИЙ АСАРЛАР ҚЎЛЁЗМАЛАРИ МАТНИЙ ТАДҚИҚИ

Агаев Азамат Пулатович

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси

For citation: Atayeva Azamat Pulatovich. TEXTUAL STUDY OF MANUSCRIPT LITERARY WORKS TRANSLATED BY AGAHI. International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 8, pp. 78-82



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-9>

Келиб тушган сана 23 июль, 2019
Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада Огаҳий таржимасидаги "Гулистон" ва унинг қўлёзма нусхалари хусусида сўз юритилиб, уларни ўзаро қиёслаш матншунослик фаолиятини илмий-назарий ва янги амалий тажрибалар билан бойитиши мисоллар орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: қўлёзма, манбашунослик, мумтоз матн, таржима, қиёслаш, илмий-танқидий матн.

ТЕКСТОВОЕ ИЗУЧЕНИЕ РУКОПИСНЫХ ЛИТЕРАТУРНЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ В ПЕРЕВОДЕ АГАХИ

Агаев Азамат Пулатович

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, независимый исследователь

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется произведение "Гулистан" в переводе Агахий рукописные копии перевода и иллюстрирует важность их сравнения для выявления научно-теоретических и практических особенностей в текстологии.

Ключевые слова: Рукопись, источниковедение, классический текст, перевод, классический перевод, сравнение, научно-критический текст.

TEXTUAL STUDY OF MANUSCRIPT LITERARY WORKS TRANSLATED BY AGAHI

Atayev Azamat Pulatovich

Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, independent researcher

ANNOTATION

The article analyzes the work "Gulistan" translated by Agahiy handwritten copies of the translation and illustrates the importance of comparing them to identify the features of the classic translation.

Key words: manuscript, source study, translation, classical translation, comparison, scientific and critical text.

Муҳаммад Ризо Огаҳий адабий меросининг аҳамияти нафақат мумтоз адабиётимиз анъаналарини муваффақият билан давом эттирганликда, балки ўзбек адабиётини жаҳон дурдона асарлари билан бойитгани, халқимизни бабаҳо бадиият обидалари билан янада чуқурроқ таништиргани, шу билан борабариди тилимиз имкониятларини яна бир бор намоён қилганилигида акс этади. Муҳаммад Ризо Огаҳий XIX аср Хоразм адабий муҳити йўналишини янги ўзгаришга буриб, сўз бадиияти сирларинини юксак сатҳда кашф этади. Айни пайтда сўз оламидаги бу сатҳни имкон қадар кенгайтириш билан бирга, ўзбек мумтоз адабиётининг энг сермаҳсул таржимони сифатида эътироф этилди, жаҳон халқлари ўртасидаги қадим адабий ҳамкорлик тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Огаҳийнинг таржимон сифатидаги меҳнатлари алоҳида таҳсин ва тақдирга муносиблигини ўзининг мумтоз мутаржимни хорижда ҳам танитишга бўлган ҳаракатлари маҳсули бўлган мақоласида Ф.Фанихўжаев алоҳида қайд этади.

Н.Комилов Огаҳий ижодининг бу серқирра жиҳатини ўрганиш нақадар катта илмий-манавий аҳамиятга моликлигини таъкидлаб, "Огаҳий маҳорат билан таржима этган асарлар ўзбек адабиёти тарихининг муайян бир

бўлагини ташкил этади, уни ўрганмай четлаб ўтиш эса бу улкан адибнинг ижодига старли эътибор бермаслик, уни ярим-ёрти қилиб, чала тасаввур этиш ёки адабиёт тарихининг салмоқдор бир қисмини ташлаб кетиш демакдир" ? деган эди. Ўзбек адабиётида айнан иқтисодий-сиёсий ва маърифий таназзул даврида бу каби қўламли ижод маҳсулларининг юзага келиши тасодикий бўлмай "...ташкилий уюшганлик, ишга давлат ва миллат аҳамияти нутқани назаридан қараб эътибор қилиш Хоразмда таржима ишининг баланд даражага кўтариллиши, жуда кўплаб ажойиб асарларнинг ўзбек тилида пайдо бўлиши учун маълум шарт-шароит вужудга келтирди".

Огаҳий адабий мероси билан кенг китобхонлар оммасини таништириш юзасидан қилинган ишлар албатта, эътиборга муносиб. Лекин шунини таъкидлашимиз керакки, Огаҳий ижоди, унинг таржимонлик фаолиятини ҳар томонлама тўлақонли ўрганиш ва хулосавий натижаларга эришиш, аввало, Огаҳий асарларининг аслияти билан машғул бўлиш, уларнинг қўлёзма ва тошбосма вариантларини қиёсий чоғиштириш, бой илмий аппарат билан таъминланган илмий-танқидий матнини яратишни тақозо қилади. Зеро, 2017 йил 24 майдаги "Қадимги ёзма манбаларни сақлаш,

тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995-сон қарорида моҳиятан манбашуносликнинг халқимиз қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларини обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашдаги ўрни назарда тутилган.

Шайх Муслиҳиддин Шерозийнинг Огаҳий таржимасидаги "Гулистон"и ҳақида махсус тадқиқотлар дастлаб Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати, кейинчалик хонлик даври Хоразм таржима мактаби ҳақидаги тадқиқотлар доирасида Н.Комиллов ва "Гулистон"-нинг туркий таржималарини ўрганиш асносида В.Раҳмонов томонидан амалга оширилган.

Галдаги вазифалардан бири Огаҳий таржимасидаги "Гулистон" қўлёзмаларини матний тадқиқ қилишдан иборат бўлиб, бу бизнингча, бир томондан қўлёзма меросимиз хусусиятлари, ўзбек китобат санъати тарихини ўрганишга, яна бир жиҳатдан таржимоннинг ижодий салоҳияти, мумтоз таржимачиликнинг ўзига хосликлари каби кўплаб илмий-назарий масалалар тадқиқида муҳимдир.

"Шарқ қўлёзмалари каталоги" (СВР)да Огаҳий таржимасидаги "Гулистон"нинг 2 қўлёзма нусхаси борлиги (ЎЗР ФА ШИ асосий фонди, №№ 899, 7768 ашё рақамли қўлёзмалар тавсифи) ҳақида маълумот берилган бўлса, Ф.Ганихўжаев унинг 3 та нусхасини (юқоридагиларга қўшимча ЎЗР ФА ШИ асосий фонди 9983/1 ашё рақамли қўлёзма) тавсифлайди. Муҳими, шарқшунос Ҳ.Назирова ушбу

асарнинг 4 та қўлёзма мавжудлиги (қўшимча равишда қайд этилган фонддаги 11462 ашё рақамли қўлёзма) ҳақида ёзади.

Кўринадик, нусхаларни солиштириш унинг илмий-танқидий матнини тузиш имконини беради. Бундан ташқари Огаҳий таржимасидаги "Гулситон"нинг мавжуд наشري қайси қўлёзмага асосланганлигини аниқлаш зарур. Асарни нашрга тайёрлаган С.Долимов қайси нусхадан табиқ қилганини қайд этмаган. Биз дастлабки кузатувлар натижасида мазкур нашр ва асарнинг 7768 ашё рақамли қўлёзма ўртасида эътиборга молик фарқлар мавжудлиги аниқладик. Бундай фарқларни дастлаб қуйидагича таснифлаш мумкин: 1. Грамматик фарқлар. 2. Сўзлар ўртасидаги фарқлар. 3. Структурал фарқлар. 4. Жумла тузилишидаги фарқлар. 5. Котиблар иш жараёни билан боғлиқ фарқлар ва ҳоказо.

Энг муҳими, асарнинг катта қисми оммавий нашрда берилмаган. Бундай қисмлар ва парчалар, табиийки, давр мафкураси билан боғлиқ, шўролар манфаатига зид бўлган ўринлар эди. Масалан, асар муқаддимасидаги қуйидаги парчанинг берилмаслиги ўша давр нуқтаи назаридан ажабланарли бўлмай, биз бугун нашрга тайёрловчиларни бу жараёнда иложсиз бўлганликлари, ҳар қандай ҳолатда ноёб дурдона асарни халққа етказиш учун айрим чекиншлар, йўқотишларга ҳам рози бўлганликларини яхши тушунамиз:

"Аммо баъд, хушманд фозиллар ва хирадманд комилларнинг хотири донишмаосирларига равшан ва зоҳир бўлсунким, ҳазрати салтанатмаоб, жалолатоёт, адолатингисоб, ҳомийи суннат, моҳийи бидъат, шариатпаноҳ ва атуфатдастгоҳ, хуршидкулоҳ хоразмшоҳ, исқандарнишон,

доропосбон Абулмузаффар ва-л-мансур Сайид Муҳаммад Баҳодирхон халладаллоҳу таъоло мулкаҳу ва султонаҳунинг валади амжади ва қуррату-л-айн сармади саодатнишон, муалломакон, донишпаноҳ, бинишдастгоҳ, давлатнадим шаҳзода Муҳаммад Раҳим тўра адомаллоҳу таъоло айёма умраҳу ва иқболаҳу ва ақода аълома иззаҳу ва афзолаҳукиим, жаннатмакон мажлиси ҳеч вақт китобхонлиғ ва маънидонлиғ баҳори файзидин холи эрмас эрди, ҳамиша лутфу тарбиятидин фазлу фатонат аҳли хурсанду баруманд ва ҳама вақт мададу тақвиятидин фаҳму фаросат хайли аржуманд ва баҳжатпайванд эрдилар, маснавий:

*Фазл аҳли лутфидин ўлуб баҳраманд,
Фақр эли эҳсони била аржуманд.
Ҳам фузало келди дуоғўй анга,
Ҳам фуқаро хайли тикқожўй анга.
Ҳақ берибон донишу огоҳлиқ,
Лойиқ анга ер юзига шоҳлиқ.
Ё раб, анга лутф ила айлаб мадад,
Рўзи эт иқбол ила умри абад.*

Худди шундай ўринларнинг бир қисмини буюк тасаввуф намояндалари билан боғлиқ ҳикоятлардир. Мана шулардан Абдулқодир Гилоний тилга олинган ҳикоятдир:

"Абдулқодир Гилоний раҳматуллоҳи алайҳни Каъба ҳарамида кўрдиларким, бошини тошга уруб дер эрди: "Эй бор Худоё, гуноҳимни бағишлағил ва агар уқубатга сазовор бўлсам, мени гўрдин кўр этиб турғизғил, то яхшиларнинг олдида шармсор бўлмағаймен".

Қитъа:

*Ажз туфроғига юзим қўйрам
Ҳар саҳар вақтидаким, эсгай бод.
Уйлаки, ҳарғиз сени унутмасмен,
Бандани ҳеч айлағунму ёд.*

Оммавий нашрдан тушириб қолдирилган ҳикоятларнинг айримлари исломий ақидалар, гоёлар илғари сурилган қисмлардир. Масалан, "Мағриб дарёсининг канорида бир порсо киши кўрдимким, жисмида огир яроси бор эрди ва ҳеч дору била соғалмас эрди. Кўб муддатлар ҳамул шиддатлиғ ранжин чекиб дағи шукр қилур эрди. Бир киши анга деди: "Чун сенинг ҳолинг будур, нега шукр этарсан?" Ул деди: "Анинг учун шукр этарманким, маъсиятга гирифтор бўлмай, мусибатга гирифтор бўлмишман, нединким, мардлар мундоқ балоларга сабр қилмишлар.

Байт:

*Гар раво кўрса ўлумни манга
ул Ёри азиз,
Кўнғлума жон ғами тушмакни
даме қилма гумон".*

Қуйидаги бериладиган парчада қайд этилган фарқларнинг бир нечаси намоён бўлади:

С.Долимов нашрида: "Китоб хотимаси будурурким... "Гулистон" китоби тамом сарҳадиға етушди. Бу китобда ўзга муаллифларнинг расми била юқорида ўтган шуаронинг шеъридин бир неча абёт ва ашъорни истиора тариқаси била муносиб ва мувофиқ жойларда келтурулмади ва ҳар шеърниким, муносиб ва мувофиқ ерларда рақам қилдум, ўз таъбимнинг зодасидурур." (181-бет)

7768-ашё рақамли қўлёзмада худди қисм қуйидаги берилган: "Китоб хотимаси. Ҳазрати Молики мустаъон июнати била "Гулистон" китоби тамом бўлди. Бу китобда ўзга муаллифларнинг расми била юқорида ўтган шуаронинг шеъридин бир неча абёт ва ашъорни истиора тариқаси била муносиб жойларда келтурулмади ва ҳар

шеърниким, муносиб ерларда ёздим, ўз табъимнинг зодасидурур." (140б)

Ёки С.Долимов нашрида "Лекин соҳиб дилларнинг равшан ва мусаффо раъи оламройларига махфий ва пўшида қолмасунким, шофий мавъизаларининг дурларин ибрат риштасига чекмишдурурман. Панд ва насиҳатнинг талх ва аччиг дорусин зарофат ва латофат шаҳди била огушта қилмишдурурман токим қабул давлатидин маъюс ва маҳрум ва ноумид бўлуб қолмағай." (182-бет)

7768-ашё рақамли қўлёзмада: "Лекин соҳибдилларнинг равшан раъйларига пўшида қолмасунким, шофий мавъизаларининг дурларин иборот риштасига чекмишман ва насиҳат талх дорусин зарофат шаҳди била огушта қилмиш[мен], токим қабул давлатидин маҳрум қолмағай. (141а)

Кўринадики, асарнинг мавжуд қўлёзмалари қиёси, юқорида қайд этилганидек, матншунослик билан бирга ўзбек мумтоз таржима санъати тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Комилов Н. "Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати". Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация иш. - Тошкент, 1970.
2. Муҳаммад Ризо мироб Эрнийёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 4-жилд. Нашрга тайёрловчи С.Долимов. - Тошкент: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977.
3. Назирова Х.Б. Самый плодотворный переводчик Центральный Азии: Мухаммад Риза Агахи // Вестник МИЦАИ, №27, 2018.
4. СВР. - Ташкент, 1964. - Т.VII, №№ 5321-5322.
5. Ганихўжаев Ф. Фаолтарин мутаржими осори форсий ба ўзбакйй // Номайи порсий. Соли 2. Шуморайи 4.
6. Ганихўжаев Ф. Огаҳий асарлари тавсифи (каталог) - Тошкент: 1986.